

ОЛДИ – СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 18

“21” декабр 2022 йил

“**FAYZI SATTOR**” МЧЖ кейинги ўринларда «Етказиб берувчи» деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи хўжалик раҳбари **Ф.Файзиев** бир томондан **Конимех** давлат ўрмон хўжалиги кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади, Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи корхона раҳбари **Д.Курбонов** иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. «Етказиб берувчи» ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, « Буюртмачи » эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (Маҳсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Жами баҳоси	15 % ҚҚС суммаси
1	Трактор	дона	1	334 500 000	334 500 000	43 630 434
	Жами:		1		334 500 000	43 630 434

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси **334 500 000** (Уч юз ўттиз тўрт миллион беш юз минг) сўми ташкил этади.

2.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тўлов миқдори **100 350 000** сумми, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади. Якуний тўловнинг миқдори эса **234 150 000** сўми, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг ушбу шартнома амал қилиш муддати тугагунча амалга оширилади.

2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Етказиб берувчи» нинг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига 3 кун муддат ичида товарни ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати амалдаги стандартларга мувофиқ қилиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроқсиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 10 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини «Истеъмолчи» ўз ҳисобидан тўлайди.

3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. « Буюртмачи »нинг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 10 кун ичида сотувчини хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инobatга олиниши зарур.

4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қўйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида неустойка тўлайди.

5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди:

5.4. Шартномада белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 10% миқдорида жарима тўлайди:

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома «Истеъмолчи» томонидан маҳсулотлар тулик олиб кетулгунга қадар амалда бўлади.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин қўйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда;
- Форс-Мажор ҳолатларида.

7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

7.1. Ўзбекистон Республикаси "Бюджет кодекси"нинг 122-моддасига асосан бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ажратиладиган маблағлар бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан тузган шартномалари, шунингдек уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар улар газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин кучга киради ва шартнома 31 декабр 2022 йилгача амал қилади.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси, Ўз.Р. Бюджет кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан Иктисодий судга мурожаат қилинади.

9. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги "Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-қисм в) бандига мувофиқ: - ҳар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва ҳар қандай тегишли Ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга ("Иштирокчи Томонлар") моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, тақлифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, ҳар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулкий имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай киймат кўринишида) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини тақлиф қилмасликни, бермасликни кафолатлайди ва шунга мажбур.

10. БОШҚА ШАРТЛАР

10.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Етказиб берувчи»

“FAYZI SATTOR” МЧЖ

(Бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Нурота тумани, Турон кўчаси 6 уй

Тел./факс 998 99 540 07 55

Х/Р: 20208000504356318001

ИНН: 205233784

МФО: 01064

Банк номи: Навоий шаҳар Ҳамкорбанк ОАТ банкининг Навоий филиали

«Буюртмачи»

Конимех давлат ўрмон хўжалиги

Манзил: Конимех тумани М.Улуғбек кўчаси 1 А уй

Тел./факс 79-512-20-60

Ш/хв: 100021860122117042203142001

ИНН: 200014087

ОКОНХ: 31100

МФО 00014

Газначилик бўлинмаси номи: Молия вазирлиги Газначилиги

Ягона газна х/в: 23402000300100001010

Банкинг номи: Марказий банк ББХКМ МФО: 00014

Газначилик бўлинмаси СТИРИ: 201122919



Раҳбар

(имзо)

Ф.Файзиев

Раҳбар

Д.Курбонов

М.Ў.



Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan.
Elektron raqamli imzoning haqiqiylikini tekshirish uchun **QR Code** ni skanerlang.

Imzolovchi F.I.SH.	DILSHOD KURBONOV URAZBAIVICH
Imzolangan sana	22.12.2022 11:25
Hujjat kodi	TG4811450384
Hulosa kodi	GC4588533107

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

GC4588533107

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **Fayz Sattor MCHJ bilan tuzilgan traktor oldi-sotdi shartnomasi**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Konimex DO‘X tomonidan 20.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Konimex tuman
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



SH.A.BOZOROV

22.12.2022